

Аллоҳдан дунё ва охиратдаги офиятни сўранглар



10:15 / 13.02.2025 1911

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«**Азон билан иқоматнинг орасидаги дуо рад қилинмайди**», дедилар.

Абу Довуд, Насайй, Ибн Сунний ва Термизийлар ривояти.

Имом Термизийнинг ривоятларида қуйидаги жумла зиёда қилинган:

«Эй Расулуллоҳ, бу иккаласининг орасида нима деймиз?» деб сўрашди. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Аллоҳдан дунё ва охиратдаги офиятни сўранглар**», дедилар».